

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Шўрчи туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи**



**Б.Менгбоев**

**Техник топшириқ**

**Буюртмачи**

**Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Савуртепа  
МФЙ Зарафшон кўчасини 2022 йилда жорий таъмирлаш ишлари**

**2022-йил**

## Танлов Хужжатларининг мазмуни :

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ

- 1.1 Танлов предмети: Шўрчи туман Савуртепа МФЙ Заравшон кўчасини жорий таъмирлаш ишлари.
- 1.2 Танловнинг юқори қиймати – 180 009 353 (Бир юз саксон миллион туққиз минг уч юз эллик уч) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинади.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

- 1.4 Ишларни бажариш муддати: Ҳолиб бўлган шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1 Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили Ўзбекистон, Сурхандарё вилояти Шўрчи тумани Гофур Гулом кўчаси
- 2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3 Танлов Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танлов мулкчилик шаклидан қаттиқ назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предмети қиймати камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлари (хизматилар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

Шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар:

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар: